

МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИГА КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР САРФЛАНИШИНING ОРТИБ БОРИШИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Мафтунахон РУЗИКУЛОВА

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Қўқон давлат педагогика институти

Қўқон, Ўзбекистон

maftuna_ruzikulova@rambler.ru

Аннотация

Мақолада XX асрнинг 50-80-йилларида Марказий Фарғонада марказнинг пахтачиликни янада ривожлантиришга доир олиб борган сиёсати туфайли шу мақсадларда йирик суғориш каналлари ва насос станцияларининг барпо этилиши оқибатида республикада пахта яккаҳокимлигининг кучайиб борганлиги архив манбалари ва тарихшунослик материаллари асосида таҳлил қилинган. Бундан ташқари, водийдаги янги ерларни ўзлаштириш тадбирларига давлат бюджети ва колхозларнинг бўлинмас жамғармасидан капитал маблағлар ажратишнинг йилдан-йилга ортиб борганлиги хронологик тарзда баён қилинган.

Таянч сўзлар: Марказий Фарғона, қўриқ ерлар, ирригация, насос станцияси, давлат хўжаликлари, жамоа хўжаликлари, совет ҳокимияти, пахта яккаҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги, канал, мелиорация, “Ферганаводстрой”.

УВЕЛИЧЕНИЕ КАПИТАЛЬНЫХ РАСХОДОВ НА СТРОИТЕЛЬСТВО ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА ЦЕНТРАЛЬНОЙ ФЕРГАНЫ И ЕГО ПРОБЛЕМЫ (НА ПРИМЕРЕ 50-80-Х ГОДОВ XX ВЕКА)

Мафтунахон РУЗИКУЛОВА

доктор философии по (PhD) историческим наукам

Кокандский государственный педагогический институт

Коканд, Узбекистан

maftuna_ruzikulova@rambler.ru

Аннотация

В статье на основе архивных источников и историографического материала проанализирована политика центра по дальнейшему укреплению монокультуры хлопка в Узбекистане, что подтверждается принятыми мерами по строительству крупных оросительных каналов и насосных станции в Центральной Фергане в 50-80-х гг. XX века. Кроме того, установлена хронология, как из года в год выделяются капитальные средства из государственного бюджета и неделимые фонды колхозов на освоение новых земель в долине.

Ключевые слова: Центральная Фергана, целинные земли, ирригация, насосные станции, совхозы, колхозы, советское правительство, монокультура хлопка, сельское хозяйство, канал, мелиорация, Ферганаводстрой.

Собиқ Совет ҳокимиятининг ирригация-мелиорация соҳаларини тараққий эттириш борасидаги тадбирлари 1950-1980 йилларда республика, қолаверса, Марказий Фарғона қишлоқ хўжалигида пахта яккахокимлиги сиёсатининг тўла ҳукмронлик қилишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки, суғориш тармоғининг ривожлантирилиши ҳам худди шу сиёсат доирасида бўлиб, кўпроқ пахта экиш ҳамда ундан кўп ҳосил олиш орқали марказ ва бошқа социалистик мамлакатларни пахта хомашёси билан таъминлаш мақсадига йўналтирилди. Бутун республикада бўлгани каби Марказий Фарғонада ҳам пахта яккахокимлиги негизида ирригация-мелиорация ишлари айнан XX асрнинг 50-80-йиллари мобайнида янада кенгайтирилди. Бу сиёсатнинг устуворлиги туфайли адир ва тепаликларда барпо этилган йирик пахта майдонларини суғоришда насос ва машиналардан фойдаланиш анъанага айланди.

Йирик пахта майдонларини суғориш мақсадида Фарғона водийсида кўплаб ирригация каналлари ва насос станциялари барпо этилди. Хусусан, 1952 йил 12 июлда собиқ Иттифоқ Пахтачилик вазирлигининг «Сталин номли Катта Фарғона каналини техник жихатдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғида [11] Катта Фарғона каналининг техник ҳолатини яхшилаш ва Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида асосий эътибор унинг сув ресурсларидан кенг фойдаланишга қаратилган эди. Ҳужжатда ЎзССР Сув хўжалиги вазири ва Катта Фарғона канали эксплуатация бошқармаси бошлиғига уч ой муддат ичида маҳаллий ташкилотлар билан бирга бошқарма штатларини оптималлаштириш, бошқарма ва гидротехник участкаларни юқори малакали ишчилар билан таъминлаш, 1953 йилда Катта Фарғона канали участкаси Куйганёр тўғонидан Асака дюкеригача (Дюкер нем. – босимли сув ўтказгич) ҳамда Жанубий Фарғона каналини тўла тозалаш вазифаси юклатилди [4]. Марказ топшириғи тўла ҳолатда бажарилди, канал сув билан тўла таъминланди ва пахта майдонлари кенгайди.

Шу билан бирга, КПСС МҚнинг 1953 йилдаги сентябрь Пленумида Марказий Фарғонадаги сув хўжалиги ишларининг олиб борилиши таъкидланганди. Унга кўра, 1950 йилларда Фарғона водийсида йирик ирригация иншоотлари барпо этишга, мавжудларининг сув ўтказиш қувватини оширишга алоҳида эътибор берилди. Масалан, айтиш мумкинки, Катта Фарғона каналининг сув ўтказиш қуввати 200 м³/с га етказилди. Бундан ташқари, Фарғона водийсида 10 минг га ерни суғориш мақсадида 9 та насос станцияси бунёд этилди. «Фарход» давлат хўжалигидаги 12 минг га майдонни машина ёрдами билан суғориш ишлари амалга оширилди. Боёвут массивидаги 40 минг га майдонни суғориш учун 15 та насос қурилмаси барпо этилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари негизида, шубҳасиз, советларнинг пахта яккахокимлиги сиёсати ётар эди. Шу асосда марказ раҳбарлари ҳатто сув чиқмайдиган, суғориш ўта мушкул қўриқ ва адир ерларга ҳам пахта экиш, уларни насослар ва машиналар ёрдамида суғоришга жиддий эътибор қаратди. Бу нафақат республикада, балки Фарғона водийсида пахта яккахокимлигининг йилдан-йил кучайишига олиб келди.

Совет ҳокимияти Марказий Фарғона қўриқ, бўз ерларини қишлоқ хўжалиги истеъмолига киритишга муҳим эътибор қаратгани боис ҳудудда сув хўжалигини ривожлантириш учун капитал маблағлар ажратиш йил сайин ортиб борди. Чунки ҳудуд марказга пахта хомашёси етиштириб берувчи базага айлантирилганди. 1953 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Марказий Фарғонани ўзлаштириш мақсадида ташкил қилинган «Ферганаводстрой» трести томонидан ҳудуд бўйича капитал маблағларни ўзлаштириш режаси 73000 рубль бўлиб, у 21161 рубль (28,9 %) ҳажмида бажарилди [5]. Сув хўжалиги қурилиши режаси 41000 рубль бўлиб, яъни у 7091 (17,3 %) рубль, йўл қурилиши режаси 14000 минг рублни ташкил этиб, у 1500 (10,7%) рубль, фуқаролик қурилиши режаси 2700 рубль бўлиб, 1270 (47,0%) рубль ҳажмида ууддаланди [12]. Пахта яккахокимлиги сиёсати таъсирида Фарғона водийсида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари 1953 йилдан янада кенгроқ авж

олдирилди. Ана шу мақсадни тўла маънода амалга ошириш учун сув хўжалигининг моддий ҳамда молиявий томонларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди. Масалан, Марказий Фарғонада 1953 йилдан 1956 йилнинг 1 августига қадар капитал қурилиш ишларига маблағ сарфланишини қуйида келтирилган 1-жадвалдан кўриш мумкин [13].

1-жадвал

Марказий Фарғона ерларидаги капитал қурилиш ишларига маблағлар сарфланиши (1953-1956 йй.) (минг рубль ҳисобида)

№	Йиллар	Жамоа хўжаликлар бўлинмас жамғармасидан	Давлат бюджетидан
1	1953	16574	17788
2	1954	45330	18062
3	1955	53295	15328
4	1956	21660	4422
Жами		136859	55600

Хуллас, 1953-1956 йилларда Марказий Фарғонадаги капитал қурилиш ишларига жами 192.459 минг рубль сарфланди. Бу маблағларнинг аксарият қисми жамоа хўжаликларининг бўлинмас жамғармасидан ажратилди ҳамда ўзлаштирилди.

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга ўн йил давомида, яъни 1953-1963 йиллар учун режага кўра 50753,3 минг рубль ажратилди, амалда 40425,8 минг рубль маблағ сарфланди [14]. Шундан жамоа хўжаликларининг бўлинмас жамғармасидан режада 35309,9 минг, амалда 20170,9 минг; давлат бюджетидан режада 15444,4 минг, амалда эса 20254,9 минг рубль сарфланди. 1953-1960 йилларда Андижон вилояти жамоа хўжаликларининг режа бўйича тўлов (взнос) маблағлари 38,8 млн. рубль бўлиб, Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга амалда 26,8

млн. рубль киритилди ёки у 69,2 %ни ташкил қилди. 1961 йилда режа бўйича тўловлар 4346 минг рубль бўлиб, шу йилнинг 11 ноябрига жамоа хўжаликларига 1825 минг рубль киритди ёки у 42 %ни ташкил этди [15]. Шу билан бирга, 1953-1973 йилларда Фарғона водийсида янги ерларни ўзлаштириш ва суғоришга сарфланган капитал маблағлар эвазига пахта экин майдони 9,2 %га ўсган ҳолда, бу кўрсаткич ҳосилдорликда 24,9 %, ялпи ҳосилда 42,8 %ни ташкил этди [3]. Айтиш жоизки, юқоридаги барча тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар республикада айнан пахтачиликни ривожлантириш ва ундан кўпроқ ҳосил олиш мақсадларида амалга оширилди.

Ирригация қурилиши ишлари кейинги йилларда ҳам кескин ривожлантирилди. Хусусан, Марказий Фарғонада жами 75 минг га ерда ички хўжалик тармоғи қурилди. Наманган вилоятида 1954 йилда 100 млн. м³ ҳажмли Косонсой сув омбори ишга туширилди [1]. Бу сув омборининг ишга туширилиши Наманган атрофидаги кам сувли туманларни суғориш имконини берди. Фарғона водийсидаги Қорадарёда – Тешиктош тўғони, Сўх дарёсида – Сарикўрғон ва Қўқон сув узеллари вужудга келтирилди, бу узеллар Қўқон атрофидаги туманларда 100 минг га дан кўпроқ ерда сувдан фойдаланишни яхшилади [6]. 1955 йилга мўлжалланган халқ хўжалиги режасининг лойиҳасида республикада сув хўжалиги қурилиши учун ажратиладиган маблағнинг 650 млн.га кўпайтирилиши кўзда тутилди. ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисобот маълумотлари баланси бўйича шу йилнинг 1 январидagi ҳолатга кўра, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми республикада 409,6 млн. рублни ташкил қилиб, биринчи ярим йилликда 40,9 млн. рубль ҳажмидаги объектлар фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, айнан шу йилда якунланмаган умумий қурилишнинг қолдиғи 368,7 млн. рублни ташкил қилди [16]. Ушбу маблағларни кўп миқдорда ўзлаштирамаган ташкилотлар сирасига қуйидагилар кирди: Наманган вилоят суғориш тизими бошқармаси – 73,4 млн. рубль, Мирзачўл қурилиш

дирекцияси – 64,8 млн. рубль, Қуйимозор қурилиш дирекцияси – 37,4 млн. рубль ва Фарғона вилоят суғориш тизими бошқармаси – 31,1 млн. рубль.

Марказ ҳукумати Марказий Фарғонада ирригация иншоотлари барпо этишга жиддий эътибор қаратди ва уларга капитал маблағ сарфлашни мунтазам равишда орттириб борди. Жумладан, 1950 йилларда Бухоро вилоятида Қуйимозор сув омбори қурилган бўлса, Андижон вилоятида Ўртатўқай сув омбори қурилди [2]. 1955-1959 йилларда Фарғона водийсида 10 минг га ерга сув берадиган 9 та насос станцияси ишга туширилди [10]. 1957 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олишни янада кўпайтириш мақсадида Шимолий Фарғона каналига собиқ «Пахталикқўл» давлат хўжалигидаги 325 га ерларни суғориш учун секундига 300 л сув харажатли икки ўтказгичли «Пахталикқўл» насос станцияси барпо этилди [20]. 1958 йилда «Пахталикқўл» давлат хўжалигининг тугатилиши натижасида унинг ерлари қуйидагича тартибда тақсимланди: «Ленинград» жамоа хўжалигига пахта экиш учун 136 га ҳамда «Пахталикқўл» тубсанаториясининг ёрдамчи хўжаликларига 189 га берилди. Насос станцияси 150 мингга яқин баланс қиймати билан мазкур тубсанаторийга тақдим этилди.

Республикада, қолаверса, Марказий Фарғонада пахта яккахокимлиги амалиёти йилдан-йилга кучайтириб борилди ва пахта майдонлари муттасил кенгайтирилди. Чунки пахтадан кўпроқ ҳосил олиш ва собиқ Иттифоқнинг пахтачилик борасидаги эҳтиёжини қондириш, уни бажариш барча маҳаллий ташкилотларга мажбур қилиб қўйилганди. Шу мақсадга эришишни таъминлаш йўлида суғориш иншоотларини қуриш оммалашиб борди. 1953 йилдан 1962 йилгача бўлган даврда Катта Фарғона каналининг биринчи реконструкцияси ўтказилиб, натижада Нориндан сув олиш 98 м³/с дан 150 м³/с га ортди. 1958 йил Учқўрғонда иккинчи бош иншоот барпо этилди (у дарёдан 15 км пастрокда жойлашган эди) [8]. Бу даврда кўплаб сув иншоотлари капитал таъмирдан чиқарилиб сув захиралари билан таъминланди. Хусусан, Майлисой сув тизими жамоаси кўплаб ирригация

иншоотларини капитал таъмирдан чиқарди. Сув «Қўйқулоқ» суғориш каналидан оқа бошлади. Бу канал, ўз навбатида, Пахтаобод, Избоскан туманлари жамоа хўжаликларини ҳамда 8-пахтачиликка ихтисослашган давлат хўжалиги далаларини сув билан таъминлади. Бироз вақт ўтгач, Марказий Фарғона ҳудудларида суғориш иншоотларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш тадбирлари кучайди. Хусусан, дастлабки йилларда Катта Фарғона каналининг сув сарфи $100 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган бўлса, икки марта қатор реконструкциялар натижаси ўлароқ 1956 йилда унинг сув ўтказиш қобилияти $185 \text{ м}^3/\text{с}$ га оширилди. 1962 йилда Норин дарёсига бош иншоот қурилганидан сўнг эса $211 \text{ м}^3/\text{с}$ га етказилди.

Фарғона вилоят партия қўмитаси 1957 йил 2 декабрда «Катта Фарғона каналини реконструкция қилиш тўғрисида»ги масалани атрофлича кўриб чиқди ва мазкур сув берувчи канални реконструкция қилиш, қуриш натижасида унинг сув ўтказиш қобилияти реконструкция меъёрида кўзда тутилган 100 м^3 ўрнига 175 м^3 га ортди. Каналдан фойдаланишнинг биринчи йилида ундан 23 минг га майдон сув ичган бўлса, 1959 йилда эса мазкур кўрсаткич 125 минг га га ўсди. Шунингдек, 1957-1958 йилларда йирик ирригация иншооти – Сўх дарёсида Қўқон гидроузели барпо этилди. Бу гидроиншоот Фарғона водийсида қурилган муҳим сув хўжалиги объектларидан бири бўлди. Унинг фойдаланишга топширилиши Қўқон гуруҳи районидаги 60 минг га суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш имконини берди. 1958 йилнинг охирида Катта Фарғона каналининг узунлиги 43 км марказий участкаси реконструкция қилинди, унинг сув ўтказиш қобилияти эса $30 \text{ м}^3/\text{с}$ га етказилди [7]. 1958 йил 22 декабрда ЎзКП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг «Катта Фарғона каналининг ўрта қисмини кенгайтириш тўғрисида» [17]ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ихтиёрига 1959 йил 5 февралига қадар Ёзёвонсойнинг қуйи қисмидаги КФКни қайта таъмирлаш бўйича биринчи навбатдаги ишларни бажариш топширилди. 1959 йил 3 мартда Фарғона вилоят партия қўмитаси бюроси томонидан

«Ўзбекистон туманидаги Нурсух каналини сув билан таъминлаш учун суғориш тизими барпо этиш тўғрисида»ги масала кўрилди. Мазкур бюро Ўзбекистон тумани учун баҳорда сув билан таъминловчи ирригация тизими куриш ҳақида қарор қабул қилди, унга мувофиқ каналнинг 19,2 км. га бетон қопланди [18]. Фарғона вилоят партия ташкилотининг ташаббуси билан Куйбишев туманидаги Жонобод, Фарғона туманидаги Бешалисой ва Ёпилма, Бағдод туманидаги Хўжақишлоқ каби каналларга бетон қопланди.

1959-1960 йиллар ҳамда 1961 йилда Андижон вилоятидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги насос станциясидан фойдаланишга 65154 рубль миқдорида маблағ сарф қилди. Айнан 1959 йилда 28 дан 34 ц., 1960 йилда 32 ц., 1961 йилда 31 ц.дан пахта ҳосили олинди [19]. Шу билан бирга, совет маъмурлари Марказий Фарғонадаги кўплаб ирригация иншоотларини реконструкция қилишга ва уларни бетонлаштиришга кўрсатма берди. Масалан, «Фарғона водийсида қисқа муддат ичида каналлар бетонлаштирилди, бу эса, ўз навбатида, суғориладиган майдонларни сув билан таъминлашни яхшилаш ва сувни тежаш имкониятини берди. 1961 йилнинг май ойида Каркидон сув омбори ва Фрунзе насос станцияси курилиши бошланиб, уларнинг барпо этилиши, биринчи навбатда, Марказий Фарғонадаги 5 минг га кўриқ ерларни кўшимча равишда суғориш имконини бериши мумкин эди [21]. Марказий Фарғонада 1953-1977 йиллар мобайнида амалга оширилган сув хўжалиги курилиши ишларини ташкил этишда «Ферганаводстрой» трести бошлиқлари, шу жумладан, Ш.Ч.Айтметов (1953-1954), А.В.Мичурин (1955-1959), К.Я.Якубжанов (1960-1961), С.Р.Расулов (1962), В.П.Есин (1963-1965), З.Г.Ғаниев (1965-1970), Н.Г.Қурбонов (1970-1972), Г.Ф.Фозилов (1972-1977)лар ҳамда бош муҳандислардан В.Ф.Шпотин (1953-1966), Г.К.Усенко (1966-1969), П.М.Доронин (1970), В.А.Носов (1971-1977)ларнинг хизматлари алоҳида эътиборга моликдир [9].

Ўнинчи беш йилликда (1976-1980) Фарғона вилоятининг Киров, Бағдод, Тошлоқ ва бошқа туманларида ҳар секундда жами 152 м³ сув чиқарадиган 40 дан зиёд насос станциялари, минераллашган сувларни

чиқарувчи телемеханизациялаштирилган 1062 та тик дренаж ишлади. Суғориш манбаларидан сув чиқариш 1971 йилдаги 641,9 млн. м³ дан 1980 йилда 1405,1 млн. м³ га кўпайтирилди. Трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган йирик Сирдарё замонавий Марказий Осиёнинг энг муҳим қисми бўлган Фарғона водийсини ўз ичига олади, чунки у Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида бўлинган. Шу билан бир қаторда, Тўхтағул сув омбори 1970 йилларда совет ҳукумати томонидан Сирдарёнинг қирғиз қисмида қурилган ҳамда у бир дарёда сувни бошқариш мосламалари билан уланган улкан гидроэлектростанция ҳам ҳисобланади [22].

Ўрганилган даврда пахтачиликни тараққий эттириш мақсадида собиқ Иттифоқ ҳукумати томонидан Марказий Фарғонада сув хўжалигини ривожлантириш, ирригация-мелиорация ишларини жадаллаштиришга, ирригация иншоотлари барпо этишга капитал маблағлар ажратилди ва унинг ҳажми йил сайин ортиб борди. Барча суғориш иншоотлари марказнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсатига бўйсундирилиб, асосан, пахта майдонларини сув билан мунтазам таъминлашга хизмат қилди. Бироқ, водийда қурилиб фойдаланишга топширилган сув омборлари, каналлар ва насос станциялари ўша ҳудудлардаги пахта майдонларини мунтазам суғориш имкониятини берди. Бунинг натижасида эса пахта майдонлари кенгайтирилди ва ҳосилдорлик ҳажми ордди. Шу билан бирга, адир ва тепаликларда барпо этилган пахта майдонлари кўп сув талаб қилди ҳамда уларнинг асосан насослар орқали суғорилиши бир қанча ҳудудларда сув танқислиги муаммосини келтириб чиқарди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонова Т. Ўзбекистонда ирригацияни ривожланиши. - Тошкент: Ўзбекистон, 1972.-Б.24.
2. Абдуллаев А.Н. Пахта яккаҳокимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917-1991 й.й.). -Тошкент: Истиқлол, 2006. -Б.70.

3. Досов Б.Г.Ирригация ва мелиорацияга йўналтирилган капитал маблағлар самарадорлигининг эконометрик тадқиқоти: Иқтисод фан.ном. ...дисс. - Тошкент, 2001. -Б.53.

4. Комилов О.К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.): Тарих фан. докт. ... дисс. автореферати. - Тошкент, 2017.- Б.25.

5. 3. Комилов О.К. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар. Монография. -Тошкент: Akademnashr, 2016.-Б.101.

6. Нажимов Ф.Н. Ирригация-сувли деҳқончилик негизи. -Тошкент: ЎзССР давлат нашриёти, 1961.-Б.26.

7. Очерки истории Ферганской области в советский период. -Ташкент: Фан, 1980.-С.103.

8. Пославский В.В. Вода для большого поля: Воспоминания. -Ташкент: Фан, 1986. -С.27.

9. Рустамов А. Центральная Фергана. -Ташкент: Мехнат, 1995.-С.14-15.

10. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). Биринчи китоб. Бош муҳаррир: М.Ғ.Ваҳобов. -Тошкент: Ўзбекистон, 1969. -Б.75.

11. Андижон вилоят давлат архиви (бундан кейин – АВДА), 602-жамғарма, 1-рўйхат, 56-йиғма жилд, 39-варақ.

12. Фарғона вилоят давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 8-варақ.

13. АВДА, 608-жамғарма, 1-рўйхат, 932-йиғма жилд, 32-варақ.

14. ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд, 5-варақ.

15. АВДА, 608-жамғарма, 1-рўйхат, 1451-йиғма жилд, 22-варақ.

16. ФВДА, 1022-жамғарма, 2-рўйхат, 184-йиғма жилд, 242 - варақ.

17. ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 29-йиғма жилд, 10-варақ.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Фарғона вилояти бўлими, 1-жамғарма, 233-рўйхат, 15-йиғма жилд, 17-варақ.

19. АВДА, 608-жамғарма, 1-рўйхат, 1632-йиғма жилд, 2-варақ.

20. АВДА, 608-жамғарма, 1-рўйхат, 1632-йиғма жилд, 5-варақ.

21. Ferghana valley: the heart of Central Asia / edited by S.Frederick Starr. - USA: Armonk, 2011.-P.151.

22. 22. Mocello B. Water in Central Asia: A Prospect of Conflict or Cooperation? // Journal of Public and International Affairs. -New York, Volume 3, March 2008. -P.158.